



20 20 у « 30 » сентябрь

№ Қ-539

« » 20 г

**Шўрчи тумани “Совжирон” массиви
“Оқкамар” маҳалласи худудидан “MEGA
KURFIR” МЧЖга “Иссиқхона” ва “Молхона
биноси”ни қуриш учун ер майдони ажратиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/622-сон йиғилиш баёни ва Шўрчи туман ҳокимининг 2020 йил 06 июндаги 504/01-12-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/622-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шўрчи тумани “Совжирон” массиви “Оқкамар” маҳалласи худудидан “MEGA KURFIR” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 18 ва 19-дала контурларидаги жами 3,25 гектар яйлов ер майдони, шундан 2,75 гектарига “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан, 0,50 гектари “Молхона биноси”ни қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “MEGA KURFIR” МЧЖ раҳбари Р.Жалиловга:
иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилаётган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. “MEGA KURFIR” МЧЖ “Молхона биноси” қуришга ажратилган 0,50 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 7 181 090 (етти миллион бир юз саксон бир минг тўқсон) сўм давлат тўлов қоплама қийматини

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

5. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шўрчи тумани ҳокимлиги (Б.Худойбергандов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботиға тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасиға юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов